

Афинада биринчи масжид барпо этилди



10:00 / 08.06.2019 1864

Куни кеча Греция пойтахти Афинанинг Вотаникос туманида 400 кишига мўлжалланган янги масжид барпо этилди. Бу ҳақда dw.com сайти хабар беради.

Бу салкам 400 йиллик Усманийлар ҳукмронлигидан XIX асрга келиб, озод бўлган Грецияда очилган мусулмонларнинг биринчи ибодатхонаси ҳисобланади. Албатта, масжиднинг очилиш жараёни осон кечмаган. Сўнгги маълумотларга кўра, ҳозирда мамлакат атрофида 200 минг мусулмонлар истиқомат қилади. Улар асосан Осиё, Африкадан келган муҳожирлардир. Греция Таълим ва дин ишлари вазири Костас Гавроглунинг маълум қилишича, масжиднинг очилиши тарихий воқеа ҳисобланади. Ушбу масжид мамлакатнинг мусулмон аҳолиси, сайёҳлар ва муҳожирлар учун ҳам зарур экани маълум қилинган. Масжидда биринчи ибодат қилиш жорий йилнинг 16 августига мўлжалланган. Шунингдек, мамлакат президентининг масжид имомини тайинлаш ҳақидаги Фармони ҳам эълон қилинган. Масжид янгича услубда барпо этилган бўлиб, унда миноралар акс этмаган. Афинада бугунги кунгача бирорта масжид бўлмаган Европа шаҳарларидан бири ҳисобланар эди. Греция 1832 йилда Усманийлар ҳукмронлигидан озод бўлгач, мамлакатда масжид қуриш тақиқлаб қўйилган эди. 2013 йилда масжидни қуришга рухсат берилган ва давлат томонидан 946 минг евро ажратилган.

Islom.uz портали таҳририяти